



● www.uzbekistonovozi.uz

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

3A

► Давоми 2-бетда.

► Давоми 2-бетда.

■ Президент сайловининг дастлабки натижалари билан танишасиз





КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Ҳотамжон Кетмоновга овоз беринг!



СПОРТ



Ирода ва матонат — ғалабалар пойдевори

■ Ҳар йил якунида санъат ва спорт соҳасида юқори марраларни эгаллаган ҳаётдорларимизни тақдирлаш яхши анъанага айланган. Навбатдаги «Эътироф — 2014» тақдирот маросимида «Энг матонатли спортчи» номинацияси бўйича соврин Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган II Параолимпия ўйинлари олтин ва кумуш медаллари соҳиби Миран Сахатовга топширилди.

Шу ўринда матонатли спортчимиз ҳақида қисқача тўхталсак. Миран Сахатов 1991 йил 8 февралда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида таваллуд топган. Айни пайтда у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 3-курс талабаси.

— Кўзи ожиз одамнинг ҳис этиш, сезиш хусусияти юқори бўлар экан, — дейди **Миран Сахатов**. — Аввало, ўзим соғлом тенгқурларимдан ортада қолишни, менга ногирон сифатида муносабатда бўлишларини сира ёқтирмасдим. Ўйдагиларнинг мени мактабга кузатиб боришларини истамай, мактабга ҳам ўзим бориб келаётган бўлганман.

Енгил атлетика билан 2010 йилдан буюн шуғулланаман. Мураббийим Анна Казакова менга нафақат спортда, балки ҳаётда ҳам устозлик қилади. Бошида осон бўлмади, албатта. Аммо қийинчиликка бўйин эгмадим. 2010 йил июль ойида ўтказилган илк мусобақада яхши натижа кўрсатганимдан сўнг Гуанжоуда бўлган Параолимпия ўйинларида иштирок этиб, эстафета мусобақаларида 3-ўрин, сакрашда 5-ўринни эгалладим. Шундан сўнг бир қатор халқаро мусобақаларда ҳам юқори натижалар кўрсатдим. Жумладан, 2012 йил Франция очик чемпионатида уч хатлаб сакрашда 1-ўринни эгаллаб, Лондонда ўтказилган ёзги Паралимпия ўйинларида Ватанимиз шаарафини ҳимоя қилдим.

— «Эътироф — 2014» тақдирот маросимида «Энг матонатли спортчи» номинациясида **голиб бўлдингиз. Саҳнага кўтарилиб, мукофотни олаётган дақиқаларда кўнглингиздан нималар кечди?**

— Аввало, мени шу мукофотга муносиб қўрган барча спорт мутасаддилари, мухлисларга чексиз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Бу шунчаки мукофот эмас, балки мени янада олдинга ундовчи, олға интилишга рағбат берувчи улкан кучдир. Йил давомида турли турнир, чемпионатларда голиб бўлган спортчилар кўп бўлди. Уларнинг барчаси ҳам шундай эътирофга лойиқ, деб биламан.

Аммо айнан мени муносиб топишган экан, бундан бошим осмонга етди.

— **Айни кунларда қандай мусобақаларга ҳозирлик кўрмоқдасиз?**

— Шу йилнинг май ойида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида имконияти чекланган спортчилар ўртасида Бутунжаҳон спорт ўйинлари ўтказилади. Ҳозир ана шу мусобақага тайёргарлик кўрмоқдамиз. Энг асосий ҳозирлик эса 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган XV Паралимпия ўйинларига қаратилган...

Ҳаётда ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзи яратди. Кимдир катта имкониятларга эга бўлса-да, кичик муаммолар билан ўралашиб қолади. Кимдир эса оғир синовларни мардондор энгиб ўтиб, юксак мақсад йўлида курашади ва ниятига етади. Бунинг учун кишида мустаҳкам ирода, сабр-тоқат, шижоат ва матонат бўлиши керак. Бу ҳақиқатни Миран Сахатов ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дилдора Йўлдошова
суҳбатлашди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Товарларни божхонада расмийлаштиришдаги қулайликлар

Давлат божхона қўмитасида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштиришнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги аҳамияти ва эришилаётган натижалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Ийгиликларга мавзу юзасидан ахборотларни Давлат божхона қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бошқармаси бошлиғи Абдусобир Саидов тақдим этди.

Таъкидландики, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаоли-

ятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий қилинди.

Натижада «Электрон декларациялаш» ахборот тизими амалиётга татбиқ этилиб, у орқали тадбиркорлар томонидан декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни божхона органларига масофадан туриб электрон тақдим этиш ва расмийлаштириш йўлга қўйилди.

Интернет орқали электрон рақамли имзодан фойдалан-

ган ҳолда божхона юк декларацияларини тақдим этиш имконияти яратилди. 2014 йилда экспорт-импорт операциялари юзасидан расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 402 мингдан ортиғи ёки 98,7 фоизи электрон тарзда тақдим этилди.

Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва вақти тежаллишига эришилмоқда. Масалан, 2013 йилда тадбиркорлар томонидан 1,2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ божхона юк декларациялари қўғоз

шаклидаги бланкалари учун сарфланган бўлса, 2014 йилда электрон декларациялаш натижасида бу йўналишдаги харажатларга барҳам берилди. Нафақат божхона юк декларациялари, балки у билан бирга топширилиши лозим бўлган турли сертификат, шартнома, юк-кузатув ҳужжатларининг ҳам электрон шаклда берилиши натижасида 2014 йилда тадбиркорлар томонидан 60 тоннага яқин қўғоз тежалди.

Қисқаси, товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш осон, қулай ҳамда вақт ва маблағни тежайди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

www.hamkorbank.uz

0-800-1-200-200

Assalom, Navro'z!

Aziz Vatandoshlar!

Navro'z ayyomi har biringizga qutlug' bo'lsin!
Vatanimiz ravnaqi yo'lida olib borayotgan
ishlaringizga ulkan zafarlar doimo yor bo'lsin!

“Hamkorbank” ATB jamoasi

Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
21 236
naxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 22.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5